

Атажонов Фаррух Гафуржанович: *“Марказий банк монетар сиёсатини ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатини таъминлашдаги ролини ошириш йўллари”.* (5A230701-“Банк иши (пул муомаласи ва кредит бўйича)”).

Илмий раҳбар: и.ф.н.,доц. Бердиназаров З.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсати инструментларидан самарали фойдаланиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсиш суратларини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари.

- иқтисодчи олимларнинг монетар сиёсатнинг мақсад ва вазифалари, моҳияти ҳамда хусусиятига оид назарий қарашларини ўрганиш, умумлаштириш ва илмий – назарий хулосаларни шакллантириш;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш механизмини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

- монетар сиёсат воситаларидан фойдаланиш орқали ЯИМнинг ўсиш суратларига таъсирини ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш;

- монетар сиёсатни амалга оширишда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва уларни мамлакатимиз банк амалиётида қўллаш борасида илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.